


МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ АСОСИ

СССР ХУКУМАТИНИНГ ГФР ХУКУМАТИГА МЕМОРАНДУМИ

КОММУНИЗМ ҚУРИШНИНГ БУЮК ПРОГРАММАСИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3.55Т 6 АВГУСТ 1964 ЎЗД



Тошкент уй қуриш комбинати реконструкция қилинмоқда

Тошкентдаги йирик панеллардан уй қуриш комбинати реконструкция қилина бошланди. Реконструкция тугалланган, қурилиш индустрияси бу уйлар норхонасининг қуввати уч баравар ошди, йилига 300 минг квадрат метр уй-жойни йиғиш учун йирик панеллар ва деталлар ишлаб чиқарадиган бўлади. Натижада меҳнатқилар депутатлари шаҳар ва район Советлари ҳар йили ўн бир мингдан ортиқ оилга айрим кватиралар учун ордер бера оладилар. Комбинатни реконструкция қилиши 1962 йилдаги тугаллаш мўлжалланмоқда. (УЗТАГ).

Биласизми?

- ✦ Ҳозир мамлакатимизда бир кунда 1800 та автомобиль, 500 дан ортиқ металл қорғовчи станок, 480 та трактор соғаласи ва 85 мингдан ортиқ соат ишлаб чиқарилади.
- ✦ Мамлакатимиз саноатининг 1961 йилининг 8 кунда ишлаб чиқариш маъсулот ҳажми чор Россияси давридаги саноатнинг бир йиллик маъсулооти, ушундан олдинки 1940 йилнинг 43 кунлик маъсулооти ва 1950 йилнинг 25 кунлик маъсулоотига баравар келади.
- ✦ 60 секундда Ватанимизда 130 тонна пўхта эритиладди, 100 тоннадан ортиқ металл прокат қилинади, энг қиммат 600 минг киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинади, ердан эса 310 тоннага яқин «қора оғити» — нефть, 250 тонна темир рудаси, 970 тонна кўмир қазиб чиқарилади.

Ўрта Осиёнинг буюк шахматчилари

Маълумки, шахмат бундан тахминан 2 минг йил олдин, Ҳиндистонда пайдо бўлган. Аммо Ҳиндистонда яратилган шахмат ҳозирги шахматдан кескин фарқ қилади. Ҳинд шахматининг турли-туман формалари (чапуур, чатурража, чатуранга) саноатларнинг сони ва тахтасининг шакли билан биш ўйнаётган шахматдан ажралиб туради. Энг муҳим фарқ шунда экани, Ҳинд шахматчилари ўйни учун ясалган махсус соққалардан фойдаланганлар. Томирлар мувоффақияти бу соққаларнинг тасодифий қўлинига боғлиқ бўлган.

Ўрта Осиёнинг илгори аёлбилари Ҳинд шахматига катта қизиқиш билан қараганлар. Масалан, Ўрта Осиёнинг машҳур олими Беруний Ҳинд чатурражада саноатларнинг жойлашсинини аниқлаб олган. Сеним ўйинида Ўрта Осиё ҳаваскорлари узи-кесил тўғрисида яшадилар. Улар Ҳиндча қондалардан ваз кечдилар. Янгича шахмат ўйини шатранж (шатранж) деб атала бошланди. Ҳинд шахматига бўлмаган, саноат фарқи пайдо бўлди, аввал рақиблар курашини «қулар» тўла тор-мор қилингунча давом эттирган бўлсалар, шатранжда ўйини шохнинг мот ёки пот бўлиши билан тугайди. Бу янгилар шахмат ўйинига катта фойда келтирди, уни ҳозирги замон ўйинига яқинлаштирди. Шатранжда галаба тасодиф натижаси бўлмай, балки ўйинчиларнинг юксак санъати, чиройли комбинациялар топа билиши ва чуқур ўйланган ўйин лани тугайди қўлга киритилади.

Шатранжда, шубҳасиз, ҳозирги замон шахмат ўйини қондалардан бошқачароқ қондалар бўлган. Ҳумладан, фарзин ва филлар бошқача юрган, рокировка бўлмаган, пот қучли томон учун ютуқ деб ҳисобланган, пиллар фарзинга ёни бошқа саноатларга айланиши мумкин бўлмаган. Бироқ, шатранж санъати намуналарини ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш тугдиради.

Ўрта Осиё шахматчилари томонидан тузиб чиқилган трактатлар,

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 6 АВГУСТ, 1961 ЙИЛ.

ЛИРИК ШЕЪРЛАР

Бу кўзларни қайдан олгансан?

Бу кўзларни қайдан олгансан,
Бунга қандай қудрат солгансан?
Табиятнинг нийомини бу,
Е шовиринг илҳомини бу,
Бу кўзларни қайдан олгансан?
Бу кўзларнинг бир сирли денгиз,
Бунда тортиш қуввати чексиз,
Борлигини тортар ўзига,
Қулоқ солмас юрак сўзига,
Бу кўзларнинг бир сирли денгиз!
Унга боқсам қон-қора тундай,
Аммо қалбим ён-ёрғун кундай,
Олов ёнар қорачиқда,
Кини куяр унинг чўғида,
Бу нима сир, бу нега бундай?
Кўзларини қайда учратмай,
Илож йўқдир торинини чертмай,
Олиб кетар қўймай ўзимни,
Боғлаб кетар тилга сўзини,
Кўзларини қайда учратмай!
Бу кўзларни қайдан олгансан,
Бунга қандай қудрат солгансан?!

Гул тутсам...

Сиз тугилган кундир, Сизга атаб
Нима совға қилсам ҳам оздир.
Гул тутсам... лекин ўз бағрингиз
Гулларга бой ажойиб ёздир.
Кўнглим нозинг, нозик кўнглингизга
Лойиқ нарсга топиш кўп маҳол.
Тилагим шу: дўстлик чиройига
Соф қалбимиз бўлиб қолсин хол.
Ҳозиргидек шу соф қалбимизнинг
Йил ўтса ҳам саклаб бегисин.
Хар бир кимса фақат сиздан олсин
Керак бўлса юрак улсин.
Гулом ШОДИ.

БУНИ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ!

Ҳақиқий маданиятнинг гул тугагачакиб ифлос қилмай-киши чала ювиган ташлашга одатлан-идида оқват емайди. Парк ёки шаҳардан бефарқ қараб турмайди. Кинодан чиққач, ёни трамвай-троллейбусдан тушган, фойдаланилган билетни махсус жойларга ташлайди. Кўча ҳаракати қондаларининг бузилишига йўл қўймайди.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИ

Бир саноатчи ўсал бўлиб қолипти.
— Жорж, — деб шивирлапти тепасида қараб ўтирган ҳамкасбаси. — Сенинг олдинда ҳамма қилмишларимга иқдор бўлмоқчиман. Ҳов бирда йўқолган саксон миң долларни сейфдан мен ўғирлаган эдим. Патентимизни ҳам рақобатчиларимизга бир юз эллик миңга... Жорж, мени кечир.
— Ҳеч нарсга тўғрисида ташвиш тортма,— деб юпатибди Жорж,— ҳаммаси жойида бўлади. Сени мен ўзим заҳарлаганман.

— Доктор, шу мени нимадир ҳаяжонлантурса, руҳимга жанговарлик бахш этса дейман. Рецеттга шунақанги дори-дан ҳам ёзиб қўйдингизми?
— Йўқ, унақангисини ёзмадим-ку, лекин аптекада ҳисоб-китоб қилётганимизда дорисиз ҳам худди ўзингиз айтган ҳолатга тушасиз.

Меҳмонхона коридоридида бир эркакнинг овози эшитилди:
— Хотиним бир соатдан бери йўқ! Уни ё ўғирлаб кетишган ёки машина бошиб кетган, балким масажинга харид қилгани кетгандир. Нима бўлган бўлса ҳам майли-ку, ишқилиб, магазинга бориб пулни сарф қилмаган бўлсин-да.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6 АВГУСТДА
12.00. «Физкультура билан шугулланиш».
12.20. «Миколка-паровоз» деган бадий фильм.
13.50. Ўзбек тилида «Синчков фикр кишилари» деган илмий-оммабоп фильм.
18.30. Ўқувчилар учун ўзбек тилида «Еш темирйўлчилар» деган эшитириш.
18.45. «Ҳамма нарсани билишни истайман» деган киножурнал.
18.55. Темирйўлчилар кўнига бағишланган эшитириш ва темир йўл транспорти ходимларининг талабларига мувофиқ концерт.
20.10. Телевизион янгилар.
20.30. Чет эл кинохроникаси.
20.40. «Мусаффо осмон» деган бадий фильм.



Муздек сув, тоза ҳаво бизнинг асл дўстимиз.

В. Салов фототўди.

Бир кунда 1800 та автомобиль *Шатранж ва ҳозирги замон шахмати *Уйлар мармар билан қопланади *Уч минг йил варақланмаган китоб

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

МАРМАР ЗАВОДДА ҚАЗИЛАДИ

Владивостокда яқин кунлар ичида деворлари мармар билан қопланган уйлар қурида бошлайди. Мармар қурилишда энг қиммат ва дефицит материал ҳисобланади. Аммо ерда мармар жуда арзонга тушади.

Гап шундаки, бинокорлар сунъий мармардан фойдаланадилар. Сунъий мармарни тайёрлаш технологиясини Владивостокдаги йирик панеллар заводи лабораториясининг ходимлари ишлаб чиқдилар. Уни тайёрлаш технологияси жуда ҳам содда. Лаборатория ходимлари оқ цементга табиий мармардагига ўхшаш йўл-йўл гуллар ҳосил қилиш учун голланд қурумини қўшдилар. Қориштирилган масса қотганидан сўнг уни яхшилаб ялтиратганлариди ҳосил бўлган материал қўринишидан табиий мармардан қилишмайдиган бўлиб чиқди.

ОЛТОЙ ТРАКТОРИ

Олтой трактор заводи «ТН-4» маркали ғилдиракли янги трактор ишлаб чиқарди. 100 от кучига эга бўлган двигателли бу трактор соатига 35 километр тезликда юралади. Ундан ер ҳайдаш ишларидан ташқари, юк ташинида ҳам фойдаланса бўлади.

ШЛЁМ-ТАДҚИҚОТЧИ

Спортчи организмнинг ҳолатини масофадан туриб билса бўладими? Ҳозирги техникамиз бу масалани ҳал қилиш имконини беради. Бутунитиқоқ медицина асбоблари ва ускуналари илмий-тектириш институти электр-медицина апаратуралари лабораториясида кишининг физиологик функцияларини масофадан туриб тадқиқот қилдиган махсус асбоб яратилди. Янги апарат шлёмга ўхшаш жажжигина радиопередатчидан иборат бўлиб, у бошга кийилади. Унинг оғирлиги 850 грамм бўлиб, спортчининг ҳаракатларига ҳалақит бермайди. Аппаратга электроусилитель, автогенератор ва кичик багритли аккумулятор жойлаштирилган. Юрак фаолияти сигналлари электромагнит тўқинлари сифатида шлёмга ўрнатилган кичкина антеннадан нурланиб туради. Бу тўқинлар эса передатчикдан, масалан, 350 метр масофада турган стационар радиоприёмник антеннаси томонидан қабул қилинади.

Хар тўғрисида

ҚОР ВАГОНДА ТАШИБ КЕЛТИРИЛАДИ

Данияда чанги спортчи ишқибозлари жуда кўп. Аммо мамлакатда тренировка машғулотлари учун қор ҳамма вақт ҳам етарли бўлавермайди. Шу сабабли мусобақалар олдидан бу ерга қор темир йўл вагонларида Норвегиядан ташиб келтирилади.

ИССИК КҮЛ АЖОЙИБОТИ

Индонезиянинг Ява оролида аjoyиб иссиқ кўл бор. Кўл сатҳидан буғ ва газ тўғтовсиз ҳавога кўтарилиб туради. Ҳавога кўтарилган ана шу газ ва буғдан диаметри 3 метргача борадиган пуфаклар пайдо бўлади. Бу пуфаклар юқорига кўтарилача, қаттиқ овоз чиқариб ёрилиб кетади.

НОДИР КИТОБ

Яқинда Британия музейида «Мурдалар китоби» деб аталадиган нодир бир китоб келтирилди. Бу китоб Сиамиш подшоҳининг даврида (эраимиздан олдинги 1000—984 йиллар) ўзини илм-фанга фидо қилган киши Пинудеъм томонидан ёзилган. Китоб Нил дарёси бўйидаги тош мақбаранида уч минг йилдан ортиқ сиқланиб турган.

БИЛДИРИШ

Меҳнатқилар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети маълум қиладики, шу йил 8 август соат 17 да шаҳар Советининг депутатлари учун «Йамоат тартибини сақлашни таъминлаш» ва «Социалистик қонунийлик» деган темаларда лекциялар бўлади. Лекциялар Тошкент шаҳар ижроия комитетининг мажлислар залида (Пролетар кўчаси, 6-уй) ўтказилади.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 4 август соинда босилган Тошкент шаҳар ва Тошкент область халқ ҳўжалигини 1961 йилининг биринчи ярмида ривожлантириш даялат лавиянинг баъзи-ришони ажуалари тўғрисидаги ахборотнинг саноат бўлимидаги Ўзбекистон Совнархоз ва корхоналари бўйича «1961 йилининг биринчи нисбатан (процент ҳисобидида)» рақам 106 деб тўзатиб ўқилсин.

Тошкент область статистика бошқармаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкентнинг ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Любушка — «МИР» (кундуз ва кечкурун).
Яшил патруль — «БАТАН» (кундуз ва кечкурун). «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).
Ешлик ҳақида ҳикоялар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 9-40 минутда).
Шарқ томон 10 қадам — ИСКРА (кундуз соат 4-20 минутгача). «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).
Синовлар соати — «КОМСОМОЛ 30 ИЛИГИ» — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).
Номалум аёл — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун). «ИС-КРА» (кеч соат 5 дан). «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 1,3 ва кеч 5 да).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Севаман сени, ҳаёт — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 11 да).
Ешлик ҳақида ҳикоялар — «БАТАН» (кеч соат 9 ва 11 да).
Езги отпуски вақти — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 10-45 минутда).
Машинист поездлар ҳайларди — «ОКТАБР» (кеч соат 9 ва 11 да).
Мистер «Икс» — КАФАНОВ номли (кеч соат 9 ва 10-45 минутда).
Шарқ томон 10 қадам — ТЕЛЬ-МАН номли (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).
Синовлар соати — ПУШКИН номли (кеч соат 9 ва 10-45 минутда).
Сенга ва кўз ёши — «УДАРНИК» (кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда).
Номалум аёл — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10-50 минутда).

«Қишлоқ Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сўзи» бирлашган нашриётининг босмаҳонаси Тошкент шаҳри

Р. 01032.

Намр. В. 1654